



Maҳmadiёр АСАДОВ,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети таянч докторанти

E-mail: asadov@navoiy-uni.uz

КарДУ профессори, ф.ф.д., Д.Тўраев тақризи асосида

**SCIENTIFIC AND THEORETICAL, ARTISTIC AND HISTORICAL INTERPRETATIONS OF THE MOTIVE
“LONELINESS”**

Abstract

“Human loneliness” is one of the leading problems of modern literature. Therefore, the study of the historical origins of the motive of “loneliness”, the reasons for the growth of loneliness in human society, among people, is considered important from a scientific and theoretical point of view and comparativeness. This article analyzes and interprets the socio-philosophical, artistic and psychological expression of the motive of “loneliness” in the works of world literature.

Key words: loneliness, feeling of loneliness, despair, solitude, foreignness, isolation, extraneous, alienation.

**НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКАЯ, ХУДОЖЕСТВЕННО-ИСТОРИЧЕСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИИ МОТИВА
«ОДИНОЧЕСТВО»**

Аннотация

«Человеческое одиночество» — одна из ведущих проблем современной литературы. Поэтому исследование исторических истоков мотива «одиночества», причин нарастания одиночества в человеческом обществе, среди людей, считается важным с научно-теоретической точки зрения и компаративности. В данной статье анализируются и интерпретируются социально-философское, художественно-психологическое выражение мотива «одиночества» в произведениях мировой литературы.

Ключевые слова: одиночество, чувство одиночества, отчаяние, уединенность, чуждость, изоляция, отчуждение, отчужденность.

“ЁЛГИЗЛИК” МОТИВИНинг ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ, БАДИЙ-ТАРИХИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Аннотация

“Инсон ёлғизлиги” бугунги кун адабиётшунослигига етакчи муаммолардан саналади. Шу сабабли “ёлғизлик” мотивининг тарихий келиб чиқиши, кишилик жамиятида, одамлар орасида ёлғизликнинг тобора кучайи бориши сабабларини тадқиқ қилиш илмий-назарий ва компаративистик жиҳатдан муҳим саналади. Мазкур маколада “ёлғизлик” мотивининг жаҳон адабиёти намуналарида, адилар ижодида ижтимоий-фалсафий, бадиий-психологик ифодаланиши таҳлил ва талқин этилган.

Калил сўзлар: ёлғизлик, ёлғизлик хисси, умидсизлик, яккаланиш, изоляция, бегона, бегоналашув

Кириш. “Ёлғизлик мотиви” бадиий адабиётда узок тарихдан бўён учраб келаётган муаммодир. XIX асрнинг ўргатларидан XX асрнинг биринчи яримига қадар бўлган даврни ёлғизлик ходисаларини ўрганишининг фалсафий асосларини шакллантириш даври, деб аташ мумкин. Бу даврда ёлғизлик мавзуси бадиий адабиётда ҳам, хусусан, Ф.Достоевский, М.Пруст, Ж.-П.Сартр, Ф.Кафка, Ж.Жойс, У.Фолкнер, А.Камю, Б.Брехт ва бошқа кўплаб адилар ижодида барқарор характер касб этди. Кейинчалик психологиялар ва ижтимоий фанлар вакиллари томонидан ёлғизлик ходисасига долзарб мавзу сифатида алоҳида қаралиб, фаол қизиқиши билан тавсифланиши XX асрнинг иккинчи яримига тўғри келади. Буни, том маънода, ёлғизлик психологиясига оид фундаментал тадқиқотлар даври, деб аташ мумкин. Ушбу даврда феноменологик тадқиқотларнинг концептуал асослари яратилди. Айни мана шу даврда жаҳон адабиётida асосан Ф.Кафка, Ж.-П.Сартр, А.Камю, Г.Г.Маркес, Х.Хессе, Э.М.Ремарк, С.Беккет, Э.Ионеско сингари адилар ижодида инсон ёлғизлиги муаммоси мотивдан мавзусига айланди. XX асрнинг охиридан ҳозирги кунгача бўлган даврни хусусий назариялар ва амалий ишланмаларнинг тараққиёт даври ҳам дейишга ҳам асослар етарли. Бутунги кун нуктаи назаридан, ёлғизлик муаммосини ёритган муаллифларнинг мутлақ кўпчилиги ёлғиз кишининг

табиат, инсоният, тарих, оила ва жамиятидан узилиб қолиши, ажralish хислари билан боғлик, деган фикрга кўшилишида. Кўпинча, замонавий одам ўзини интенсив мажбурий алоқа шароитида ёлғиз хис қилиши таъкидланади.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили** (*Literature review*). Файлласуф ва социолог И.С.Кон ёлғизлик феномени XVII-XVIII асрларда ўзини яққол намоён килганини айтади. Яъни, унинг фикрича, “шахс ҳаёт тарзининг мураккаблашуви руҳий ҳолат ва муаммоларни бир хил талқин килинишига йўл бермайдиган қарама-каршиликларни келтириб чиқаради. Масалан, ёлғизлик хиссини олайлик. Ўрга асрларда одамлар ҳамжihat яшар эди. Ёлғизлик асосан жисмонан ажратиб кўйиш маъносига тушунилар эди. Янги даврнинг кўп киррали шахси эса одамлардан ажralishни ва ихтиёрий ёлғизликни истайди. Шу билан бирга, у ёлғизликдан чукур изтироб чекади ва изтиробини баҳам кўришга мулокот йўқлигидан кўпроқ кийналади” [4].

Юкорида айтиб ўтганимиздек, ёлғизлик негатив маънога эга бўлган руҳий ҳолат сифатида инсониятга қадимги даврлардан бери маълум бўлган. Ҳатто Афлотун ва Аристотел ёлғизликни “ёвузлик” деб таърифлаганлар, ундан кутулишни улар дўстлик ва муҳаббат фазилатларидан баҳраманд бўлишда кўрадилар. Француз

физиги ва файласуфи Б.Паскал ҳам инсон ёлғизлик юкини кўтара олмаслигини, бинобарин севишини, меҳрмуҳаббатини баҳшида этадиган манба-сиймо топиши зарурлигини таъкидлайди. Ёлиз кимса, дейди Паскал, ярим бағир, ярим кўнгилдай гап. Баҳтила-саодатли бўлиш учун у ўз тенгни топмоги лозим. [3] Паскал ўзининг “Мушоҳадалар” асарида яна бир улуғвор гояни илгари суради. Мутафакир абсурдлик ва ёлғизликни енгишнинг ягона йўли сифатида Худога ишониш ва уни севиши, унга иймон келтиришни таъкидлайди. Паскалга кўра, “Худо зулматнинг тескари тасвиридир... Худога олиб борадиган йўл инсон Унга қарам эканлигини тан олишидир” [1]. Яъни, Худога мутлақ ишониш инсоннинг руҳий оламини кемирувчи ҳар қандай нотаниш ҳислардан, номутаносибликлардан устун бўлиб, муносабатлар кайта тикланishi мумкин бўлган, инсон учун мутлақо бегона бўлмаган дунёдан иборатдир.

Шу ўринда, макола моҳиятини чукурроқ очиб учун “ёлғизлик” терминининг бадиий-психологик ва фалсафий жиҳатдан таърифи ва таснифи ҳакида икки оғиз сўз юритиши лозим топдик. Сўнгти пайтларда фалсафа, психология ва адабиётшунослик илмида “ёлғизлик”, “ёлғизлик хисси”, “ёлғизлик ҳолати”, “ёлғизлика эҳтиёж”, “изоляция”, “узлат”, “яккалик”, “танҳолик”, “бегоналашув” каби терминларга кўп бор рўбарў келмоқдамиз. Бир қараашда бу сўзлар синонимдек туюлсада, бироқ айнан бир хил маъною касб этмайди. Ҳатто “ёлғизлик”, “яккалик” ва “изоляция” тушунчаларини ҳам бир-бири билан кориштириш тўғри бўлмайди. Масалан, изоляция ёлғизлика хисса кўшиши ва ҳатто бу холатни келтириб чиқариши мумкин, аммо бу икки тушунчани синонимлаш учун асос бўлмайди.

Ёлғизлика руҳий ҳодиса сифатида қаралса, унинг ўзига хос ички контекста эга эканлигига ишониш мумкин. Юкорида айтганимиздек, “ёлғизлик”ни “яккалик” ва “изоляция” тушунчаларидан фарқлаш лозим. Изоляция кўпроқ инсоннинг ижтимоий муҳитта нисбатан жисмоний, фазовий ва вақтингчалик локализацияси билан боғлиқ бўлиб, ички руҳий тажриба эмас, балки ташки шартли ҳолатдир. Инглиз психологлари Уильям Садлер и Томас Джонсон бу ҳақда жуда қатъий гапиришади: “Жисмоний изоляцияни аниқлаша учун факатгина кўзларинг кифоя қиласи (кўриш етарли хисобланади – М.А.), аммо ёлғизликни тан олиш учун уни бошдан кечириш керак” [7]. Изоляция ҳар доим ҳам бирон бир сабабга кўра, инсон ўз хоҳишига биноан ёки мажбуран ўз ҳаётидан четлаштирилган обьект (умуман, одамларнинг маълум бир гурух)ни назарда тутади.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Ёлғизликнинг обьекти инсоннинг ўзи. Ёлғизлик субъектга йўналтирилади, объект, гўё иккинчи даражали. Инсон изоляцияда бўла туриб ёлғиз бўлмаслиги ва аксинча, изоляцияда бўлмасдан ҳам ёлғизликни бошидан кечириши мумкин. Ёлғизлик, объектив изоляциядан фарқли ўлароқ, “Мен” ва “Улар” ўртасидаги муносабатлардаги номутаносибликни – дунё билан, ўзи билан ва бошқалар билан келишмовчиликларни акс эттиради. Демак, изоляцияда инсон ёлғизлик билан бирга бўлиши ҳам бўлмаслиги мумкин, шунинг учун ҳам бу тушунчаларни доим бир хил маънода тушунмаслик керак. Қамоқни ёлғизликсиз изоляциянинг намунаси сифатида кўриши мумкин, ёки буни акси ҳам бўлиши эҳтимолдан йирок эмас. Сиёсий маҳбуслар, хаттоти хибсонада бўлишганида ҳам, ўз ишларининг тўғрилигига қатъий ишонч билан ва фикрловчи одамларни маънавий кўллаб-куватлашлари билан ҳалокатли ёлғизлик туйгусини бошдан кечирмаганлуклари ҳакида далиллар мавжуд.

Дунёдан ихтиёрий равишда изоляцияниш (ажралиб чиқиши)нинг яна бир кўриниши диний

яккаланиш, яъни тарқидунёчилиқдир. Ихтиёрий изоляция одатда яккаланиш деб аталади. Зоҳид тақвадорлар ҳаётининг тавсифлари шуни кўрсатадики, танҳолик улар учун тириклик заминида, Худога яқинлашиш ва У билан руҳий алоқада бўлиш имкониятини беради. Масалан, турк дунёсининг буюк мутафаккирларидан бири, бобоқалонимиз Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб “Қутадғу билиг” асаридағи Ўзгурмишни бунга яққол мисол килиб келтиришимиз мумкин. Асарда унинг тилидан айтилган шундай сўзлар дикқатимизни тортди:

Энди бу дунё менга керакмас,
Эй ботир, давлату навбати ҳам, бас...

...Кўнглим бир Худога бердим жамулжам,
Мен – Унинг гадоси, йўқларман ҳар дам.

Билурман борлигин, шаксиз, Худо бор,
Пок ҳар ишда менга ҳамиша У ёр...

...Ёлғизлик гамида менга Худо ёр,
Бало, қайғу етса, Улdir мададкор[10]

Танҳолик (яккалик) аввалдан вакт чегарасига эга бўлиб, ҳар доим инсон томонидан ихтиёрий ва эркин равища танланади. Танҳолик айнан шу вақтда субъект учун “кулай” кўринади, масалан, шахсий ўсиш нуктаи назаридан, химоя механизмларининг ҳаракати, ақлий зўриқиши даражасининг пасайиши ва бошқалар. Танҳолик ёлғизлик билан боғлиқ бўлиши шарт эмас (огрикли хиссий ҳолат сифатида, албатта) ва одамлар танҳолиқда ҳам субъектив равища бахтила бўлишлари мумкин.

Немис мутафаккири Гегель ёлғизликни руҳий ҳодиса сифатида тушунишга катта ургу беради. У “ўзидан четлашган руҳнинг икки дунёси” ҳакида назария таклиф килган. Ёлғизлик бу ерда иккита муносабатларнинг йўқолиши сифатида келтирилади: яъни, ўзи ва ижтимоий олам (жамият) билан алокаларни узилиши. Бундан ташкири, иккичинси инсонни ўзи билан бирлаштириш учун зарур шартдир. Инсонда ҳам объектив, ҳам субъектив маънода “макон” бўлиши керак. Ёлғизликнинг табиати субъектив руҳни ўзига бўлган севгисидан, уни ўз гоясини мутлақ ғоянинг объектив дунё руҳи фаолияти билан ўзаро боғламасдан туриб тасдилашга интилишидан иборат. Натижада, субъектив руҳ ўз зиддиятлари билан чалкашиб кетади, бу эса одамда бахтсиз онги келтириб чиқаради.

Француз экзистенциалисти Ж.-П. Сартр фалсафасига кўра, инсоннинг ўзига ёки “ўз ичига” олиб борадиган йўли ҳар доим зиддиятли бўлиб, дунёда инсон мавжудлигининг экзистенциал ҳолати сифатида ёлғизликни англаш билан боғлиқ. Йирик француз ёзувчиси – эссеист ва файласуф А.Камю ижодида инсоният мавжудлигининг абсурдлигига қатъий ишончдан келиб чиқиб, қадимий Сизиф афсонаси “инсон ҳолати”нинг рамзи деб келтирилади. Камю нуктаи назаридан, Сизифнинг чексиз ёлғизлиги унинг кучи ва ички эркинлигининг тасдиғига айланади.

Экзистенциализм намояндаларидан яна бири, рус файласуфи ва социологи Н.А.Бердяевнинг сўзлари чукур психологик маънога эга: “... одам ёлғизликдек мукаддас хукукга эга, чунки ёлғизлик онлари ортидан шахс туғилади, одам ўзини ўзи таний олади, ёлғизлиқда “мен”нинг ўзига хослиги ва бетакорлигини хис қиласи.” [2] В.В.Розанов ёлғизлик одам учун яхшидир, чунки ёлғиз қолганда у Худо билан бўлади. Албатта, муаллиф жамиятдан вактингча ажралиб туришини назарда тутган. Шуни таъкидлаш керакки, ёлғизлик мавзуси деярли барча файласуфларнинг инсоният мавжуд бўлган ҳодисаларини акс эттиравчи асарларида мавжуд: инсоннинг дунёдаги

ўрни ва роли, шахсни шакллантириш шартлари ва хусусиятлари, қалбнинг нажоти ва бошқалар.

- **Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).**

Одамларда ёлғизликка карши норозилик хисси XX асрда Фарбда пайдо бўйланган кўплаб гуманистик таълимотларнинг умумий мавзусига айланди. Ёлғизликка энг катта эътиборни экзистенциалистлар Ж.-П. Сартр, М.Хайдеггер, К.Ясперс, А.Камю, Н.А.Бердяев, М.Буберлар караттганлар. Бу файласуфлар шахс ёлғизлиги ёпик антропологик олам тамойилини амалга ошириш, деб хисоблайдилар. Уларга кўра, инсоннинг ички изолацияси ҳар кандай индивидуал турмушининг асосидир. Шунинг учун, инсон бошқалар билан мулоқотда хиссий жавоб тополмаса, мулоқотда кониқмаса ёлғизлини танлайди.

Аввалорк Ф.Ницше, сўнгра Э.Фромм И.Кантнинг ёлғизлик ахлоқий меъёларнинг кулаши натижасида келиб чиқиши мумкин” деган фалсафасини давом эттирилар. Немис файласуфи Э.Фромм асосиз эҳтиёжларни етиширишини ёлғизлик сабаби, деб атаган бўлса, америкалик психолог К.Хорни ёлғизликни глобаллашув жараёнидаги бозор муносабатлари мағкурасининг салбий намоён бўлиши, инсоннинг инсон билан рақобатдошлиги натижаси, деб хисоблаган. Австриялик психолог В.Франкл, одам маълум бир қадрияларни ва ҳаёт мазмунини йўқотганда ёлғизлик ҳолатига тушишини идао қиласди. Америкалик социологлар Д.Рисмен ва Э.Тоффлер ёлғизлик сабабини одам “оломон ичидаги ёлғиз” колганда, глобаллашув, яъни илмий-техникавий инқиlob шароитида ҳаёт суръатларининг тезлашишида кўради.

Ёлғизлик бизнинг замонамизнинг объектив психологик муаммоси сифатида ўз аҳамиятини йўқотмайди, деб хисоблаш мумкин. Масалан, Н.Е.Покровский ёлғизликни жиддий мулоҳаза ва назарий экспериментал тадқиқотларни талаб қиласидан «XX асрнинг вабоси» деб атайди [6].

Ёлғизлик мураккаб, руҳий ходиса сифатида турли хил гуманитар фанлар – социология, классик ижтимоий фалсафа, антропология, психология ва ҳатто биз ўрганаётган адабиётнинг ҳам обьекти хисобланади. Аммо, ўзбек адабиётшунослиги илмида, ўзбек адабиётини жаҳон адабиёти контекстида ўрганиши борасида ёлғизлик муаммоси, унинг моҳияти, намоён бўлиши, генезиси ва бошка масалаларига бағишиланган Б.Р.Саидова, М.Қиличеваларнинг тадқиқоти ишларини айтсама, бошка фундаментал тадқиқотлар мавжуд эмас. Жумладан, Биби Робиъа Саидованинг “Ақл ва руҳ баҳси” номли илмий-адабий рисоласида мотив генезиси ва ёлғизлик тушунчаси; Жаҳон адабиёти ва ёлғизлик мотиви, XIX аср рус ёзувчилари асарларида жамиятдан бегоналашув масаласи, шунингдек, ўзбек адабиётида ёлғизлик мотиви каби масалалар Ўзбекистонда “ёлғизлик” мотиви тадқиқ килинган илк иш сифатидан эътироф этиши мумкин [8]. Тадқиқотчи мазкур рисолада “услубининг ўзига хослиги, рамзийлиги ва бошка фазилатлари билан жаҳон адабиётининг энг сара асарлари каторида турадиган Ф.Кафканинг “Жараён” романидаги ёлғизлик мотиви ўзгача кўринишда намоён бўлади. Қаҳрамонни жамиятнинг маънисизлиқ даражасига етган тартиб-коидалари ёлғизлик гирдобига улоқтиради, уни номаълум гуноҳкорлик туйгусига кўнкитиради” [8], дея таъкидлайди.

Кафкадан кўп томонлама таъсиirlанган ва муштрак услубда ижод олиб борган, ўзининг абсурдлик концепцияси билан ном козонган француздаги адаби Альбер Камю ижодида ҳам шафқатсиз жамият кархисида ёлғиз қолган шахс муаммоси, изтироблари, шахснинг

жамиятдан бегоналашуви каби фалсафий ва психологик омиллар бадиий ифодасини топган. Масалан, Камюнинг энг машҳур “Бегона” киссасида қаҳрамон характери – ҳаракатлари ва табиатига катта эътибор қаратилади. Камю қаҳрамони Мерсо ҳеч қандай ижтимоий масалаларни ҳал килмайди ва жамиятнинг барча тартиб-коидаларига ўта юзаки муносабат билдиради, уларга амал килмайди. Қаҳрамоннинг биргина ишонтирадиган нарса шуки, эртами-кечми бошига тушадиган ўлимнинг муқаррарлиги. Унинг идиалида бу дунёда қандай яшашингдан қатъй назар, охирида ўлим сени маҳв этади ва дунёда яшашингдан ҳеч қандай маъно-мазмун йўқ, деган гарбона қараш уступвордир. Кафкада ҳам, Камю асарларида ҳам инсоннинг кишилик жамиятида мавжудлиги ўрнатилган тартиб-коидаларга, ижтимоий қонуниятларга сўзсиз амал кишили қўрсатилади. Борди-ю, бирор кимса машкур қонуниятларга эътиборсизлик қиласа, уларни назар-писанд килмасдан, “расмиятчилик”лардан бўйин товлаб, ҳамма одамлар кўнинкан ҳаётни қабул килмаса, у одам жамият учун “бегона”, жамият учун аҳамиятсиз ва ўринсиз киши килиб қўрсатилган.

“Бухоролик яна бир тадқиқотчи Мехринисо Қиличева ўзининг филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясида ёлғизлик мотивини инглиззабон адиллар ва ўзбек адиллари ижоди контекстида тадқиқ қиласан [5]. Тадқиқотчи ёлғизлик мотивининг анъанавийлиги, тизимлилик тамойили, маъновий индукция хосил килишдаги аҳамияти, асар сюжет мазмунини шакллантирилиши, актуаллашуви натижасида уни сарлавҳада акс этиши асослари, бунда ижодкорнинг ёлғиз одам образини яратишида пейзаж, ранг символикаси, монолог кабилардан фойдаланиш маҳоратини асослашга ўринган.

Шуни қайд этиш мумкинки, Шарқ мамлакатларидаги психология фани бу ходисани сезса-да, афтидан ёлғизлик ҳолати шарқ коллективистик (жамоавий) одамига хос эмас ва ҳатто қарши қўйилади, деб хисобланган. Аслида ҳам руҳоний қуввати мустаҳкам, қалби иймон нури билан тўла, эътиқоди бутун, бир сўз билан айтганда, художўй инсон учун умидсизлик, ёлғизлик каби салбий ҳолатлар бегона хисобланади ва бу исломий таълимотда ҳам кораланганди. Бундай нигилистик ҳолатлар марҳум Шайх Мухаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари таъбири билан айтганда, “гарбликлар яхшилик килиш ва эзгуликка бўлган рағбатларини йўқотган, соғлом принциплар ва асосларни зое қиласан, қалблари тўғри йўлдан оғган, табиатлари бузилиб кетган...” [9] гарб одамига кўпроқ хосдир.

**Хулоса ва тақлифлар
(Conclusion/Recommendations).** Дунё психологиясида келтирилган ёлғизликни ўрганишга ёндашувлар асосан европалик олимларнинг номлари билан боғликлиги ҳам, юқорида таъкидланган, гарбона индивидуализм ва шарқона коллективизм сабабидан бўлса ажаб эмас. Психологияянинги шаклланниши ва ривожланишининг рус олимларидан баъзилари одамга таҳдидни ўткир ёлғизлик туйгусида кўришган.

Фалсафий ва психологик фикрлар тарихида ёлғизлик муаммосини тушуниш ва тушунтириш жуда хилма-хилдир. Масалан, қадим юонон мутафаккирлари ёлғизликни рад этган бўлса, кейинги даврларга келиб инсоннинг ўзини ўзи бўлиши учун ёлғизлик зарурлигини англаш сифатида карапланган, баъзан ёлғизликнинг ижодий ривожланиши инсониятнинг лаънати сифатида тушунишга олиб қелган.

АДАБИЁТЛАР

1. Pascal, Blaise. Pensées. //Le livre de poche Classique. Paris, 1962, -Р. 259.
2. Бердяев Н.А. Опыт философии одиночества и общения. – М., 1993.
3. Блез Паскаль. Мұхаббат – олий саодат // Жақон адабиёти. 2007. – № 10. – Б. 153
4. Кон И.С. В поисках себя. Личность и её самосознание. – М.: Политиздат, 1984. – 336 с.
5. Қиличева М.Р. Инглиз ва ўзбек адабиётида психологик ҳолатлар талқинида адабий таъсир муаммоси (ёлғызлик мотиви мисолида). Филол. фан. фалсафа док... (PhD) дисс. автореф. – Б., 2020. – 51 б.
6. Лабиринты одиночества / Пер. с англ.; составление, общая редакция и предисловие Н. Е. Покровского. – М.: Прогресс, 1989. – 624 с.
7. Садлер У.А., Джонсон Т.Б. Лабиринты одиночества: Пер.с англ. /Сост., общ. ред. и предисл. Н. Е. Покровского. – М.: Прогресс, 1989. <http://psyberlink.flogiston.ru/internet/bits/Ioneano2.htm> (06.02.2022.)
8. Сайдова Биби Робиаъ. Ақл ва рух баҳси: рисола. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. – 112 б.
9. Шайх Мұхаммад Содик Мұхаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Т.: “Hilol-Nashr”, 2021. – Б. 317.
10. Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. (2-нашр) – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 390-392.